

ЗАЙТУН НАВЛАРИ ЯНГИ ЭКОЛОГИК МОСЛАШИШИ ТАҲЛИЛИ

Юлдашева Хавасхон Тождиновна

доценти

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялари институти

Аннотация: Мақолада зайтун ўсимлиги (*Olea europaea*)нинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси тадқиқ қилинган. Тадқиқотда зайтуннинг янги муҳитдаги ўсиш жараёнлари, ҳар хил навлар ўртасидаги фарқлар ва уларнинг экологик шарт-шароитларга мослашиш хусусиятлари орасидаги алоқалар ўрганилган. Мақолада турли зайтун навларининг (Қоракўз, Изумруд, Газиантеп, Крымская 172) поя диаметри ва новдаларининг узунлиги бўйича кузатишлар келтирилган. Тадқиқотлар давомида, ҳар бир навдаги новда ўсиши ва ривожланиш жараёнлари тўлиқ таҳлил қилинган. Шунга асосан, мақола зайтуннинг маҳаллий шарт-шароитда иқлимлаштирилиши ва агротехник шартларининг аҳамиятини кўрсатади.

Калит сўз: зайтун, навлар, биологик хусусиятлари, махсулдорлиги, агротехнологик усуллари, хосилдорлиги.

АНАЛИЗ НОВОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ АДАПТАЦИИ СОРТОВ ОЛИВКИ

Юлдашева Хавасхан Тождиновна

Доцент

Андижанское сельское хозяйство и
Институт сельскохозяйственных технологий

Аннотация: В статье исследована динамика роста и развития оливкового растения (*Olea europaea*). В ходе исследования были рассмотрены процессы роста оливы в новых условиях, различия между различными сортами и их способность адаптироваться к экологическим условиям. В статье приведены наблюдения по диаметру ствола и длине побегов различных сортов оливы (Коракёз, Изумруд, Газиантеп, Крымская 172). В процессе исследований были полностью проанализированы процессы роста и развития побегов для каждого сорта. На основе полученных данных статья подчеркивает важность адаптации оливы к местным условиям и агротехнических факторов.

Ключевые слова: маслина, сорта, биологические свойства, продуктивность, агротехнологические приемы, урожайность.

ANALYSIS OF NEW ECOLOGICAL ADAPTATION OF OLIVE VARIETIES

Yuldasheva Khavaskhan Todzhidinovna
Associate Professor
Andijan agriculture and
Institute of Agricultural Technologies

Abstract: The article investigates the growth and development dynamics of the olive plant (*Olea europaea*). The study explores the growth processes of olive in new environments, differences between various cultivars, and their adaptation to ecological conditions. Observations on the stem diameter and shoot length of different olive varieties (Koraköz, Izumrud, Gaziantep, Crimea 172) are presented in the article. Throughout the research, the processes of shoot growth and development for each variety were fully analyzed. Based on the results, the article highlights the importance of olive adaptation to local conditions and agronomic factors.

Key word: olive, varieties, biological properties, productivity, agrotechnological methods, productivity.

Зайтун ўсимлиги ўсиш ривожланиш жараёнида эрта баҳордан кеч кузгача ўсиш ва ривожланиши давом этади, шунинг учун ҳам, бу дарахт “доимо яшил” деган номга эга бўлган. Маълумки, бошқа дарахтларнинг барглари сентябр, октябр ойларида биологик, физиологик жиҳатдан пишиб етилади вахужайралари таркибидаги барча кимёвий жарёнлар тўхтайди. Барглар ўсув даврида ёғочлик моддаси ҳосил бўлиши жараёнида ўз фаолиятини тўхтатади.

Зайтун ўсимлигининг новдалари ва барглари баҳорда май ойидан бошлаб, октябр ойининг охиригача ўсиб ривожланади. Зайтун новдаларининг ўсиши ва ривожланиши ўзига хос бўлиб, бошқа ўсимликлардан бирмунча фарқ қилади. Шуниси характерлики, зайтун поялари ўсишдан тўхтаса ҳам новдалари ўсиб боради, биринчи тартиб новдадан, иккинчи тартиб новдаларнинг узун бўлиши фақат зайтунга хос бўлган ҳолатдир. Зайтуннинг ўсиши ўзига хос занжирлар “ўрими”ни ҳосил қилади.

Зайтун новдаларининг ўсиши ва ривожланишини аниқлаш учун ҳар бир вариантдан 5 тадан ўсимлик олинди ва ҳар бир дарахтдан иккитадан ўсув новдаси олиниб, этикетка осиб қуйилди ва зайтун новдалари, пояларида ҳар

ўн кунда ўлчаш ишлари олиб борилди. Зайтуннинг тез ўсиши, унга шакл бериш ишларини яхши бўлишига олиб келади, тажрибаларимизда тез ўсган новдаларга чиройли қилиб, косасимон тарзда шакл берилди.

Тадқиқот йилларида интродукция қилинган нав намуналарида зайтуннинг пояси диаметрининг ўсиш динамикаси ойлар бўйича ўсиш жараёнининг поя диаметрининг айланаси 1,5 смдан 2,7 смни, 5 туп кўчатда апрел ойида поянинг ўртача диаметри 2,2 смни ташкил қилди. Ушбу нав намунасида май ойида поянинг диаметри 2,6, июн ойида 2,7, июл ойида 2,8 см, октябр ойига келганда, поя диаметри 3,7 см бўлганлиги қайд этилди.

Туркиядан келтирилган Газиантеп нави кўчатларининг пояси диаметри апрел ойида энг кичик 2,3 см ни, энг йўғон поялари эса 3,0 смни ташкил қилди. Ўртача апрел ойида бу навда пояларнинг йириклашуви 1,0-1,3 см га юқори бўлганлигини кузатилди. Октябр ойига келиб, зайтун кўчатлари поясининг диаметри 3,5-3,7 см ни га тенг бўлганлиги аниқланди. Газиантеп нав кўчатларида поянинг диаметри Қоракўз нав намуналарига нисбатан 0,5-0,9 см га йўғон бўлиб, поя диаметри ўртача 1,2 смга ўсганлиги қайд этилди. Крымская 172 нав намуналари поясининг диаметри турли хил бўлганлиги кузатилди. 1 туп зайтунда поясининг диаметри апрел ойида олиб борилган кузатишларга кўра, 1,5 см дан 2,4 см ни ташкил қилган бўлса, май ойида олиб борилган кузатишларда поянинг диаметри 1,0смга ўсганлигини аниқланди. Июн ойида поянинг диаметри ўзгармади, аммо, июл ойида поянинг диаметри 3,3 смга, яъни икки ой давомида 0,8 см га ўсганлиги қайд этилди. Октябр ойида Испания зайтун нави пояларининг диаметри 6,0 смни ташкил қилди.

Зайтун навлари пояси диаметрининг йўғонлашиши барча навларда деярли бир хил бўлди. Қоракўз ва Изумруднавларида пояларининг диаметри 2,2-2,5 см бўлган бўлса, октябр ойида ҳам 3-4 см Крымская 172 нави пояси диаметри ўсув даври бошида 2,3 смни ташкил қилган бўлса, 26 октябрда 6,0 см бўлганлиги кузатилди. Интродукция қилинган зайтун навларифақат биологик жиҳатдан эмас, ботаник белгиларига кўра ҳам, бир-бирига ўхшашлиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотларимизда (2022-2024 й) зайтун новдаларининг

Ўсиш динамикасини кузатишлардан маълум бўлдики (1.1-жадвалга қаранг), ўртача уч йилда Изумруд навида апрел ойининг биринчи декадасида бирламчи новданинг узунлиги 4,6 см ни ташкил этган бўлса, учинчи декадасида эса, новданинг узунлиги 8,7 см ни ташкил этди, 5 майдаги кузатишларимиз новдаларининг ўртача узунлиги 12,3 смга ўсганлиги кузатилди. Май ойининг иккинчи декадасидан учинчи декадасигача зайтун кўчатларида 12,0 смга, июн ойининг биринчи декадасидан учинчи декадасигача деярли 11,4 смга ўсганлиги аниқланди. Октябр ойининг охирига келиб бирламчи новдаларнинг узунлиги 131,7 см гача ўсиб, ривожланганлиги кузатилди.

Қримдан (Қоракўз) келтирилган зайтун бирламчи новдалари ўрганилган Изумруд, Газиантеп, Крымская 172 навларига қараганда бироз секин ўсиб, октябр ойининг учинчи декадасида аниқланганда ўртача уч йилда 105,0 смни ташкил этиб, бу навларга қараганда 22,3-35,4 см га паст бўлганлиги қайд этилди.

Туркиядан келтирилган Газиантеп навида апрел ойининг биринчи декадасида новданинг узунлиги 5 туп кўчатда ўртача 4,1 смни, 5 майда эса, 13,1 см, иккинчи-учинчи декадаларида эса 19,7-30,1 см ни ташкил қилди. Кузатишларимизни май ойининг ҳар 10 кунда 10,4-12,4 см га ўсганлиги қайд этилди. Июн ойининг учинчи декадасида зайтун кўчатлари 56,7 см, июннинг биринчи-иккинчи декадаларида новдаларнинг ўсиши орасидаги фарқ 7,6 см ташкил этганлиги қайд этилди. Туркиядан келтирилган зайтун бирламчи новдалари октябр ойининг учинчи декадасида 140,4 см га ўсганлигини кўрсатди. Ушбу навнинг новдалари узунлиги ёки йиллик ўсиш динамикаси Қрим нав намунасига қараганда 34,1-35,4 смга юқори бўлганлиги кузатилди. Кўчатлар новдаларининг ўсиш динамикаси тезлиги апрел ойининг учинчи декадасида новданинг ўртача узунлиги 8,9 см бўлган бўлса, май ойининг биринчи декадасидан кейин новдалар 4,2 смга ўсганлиги маълум бўлди. Ўрганилган зайтун навлари бўйича кўчатларнинг ўсиш жараёнида май ойида унча катта фарқ сезилмади, июн ойининг учинчи декадасига келиб навлар ўртасида новдаларнинг узунлиги бўйича сезиларли фарқ кузатилиб,

5,7 смдан 11,6 см ни ташкил этди.

Энг юқори кўрсаткичлар Газиантеп ва Изумруд навларида кузатилиб, июн ойининг биринчи декадасидан июл ойининг учинчи декадасигача новдалар 33,3-44,3 смга ўсганлиги кузатилиб, новдалар узунлиги 72,7-86,8 см ни ташкил этди. Октябрь ойида ушбу новдалар бўйининг узунлиги ўртача 131,7-140,4 см бўлганлиги қайд этилди (1.1-жадвалга қаранг).

1.1-жадвал

Зайтун навларида новдаларининг ўсиш динамикаси, см; 2022- 2024 йиллар

Навлар	Кузатув санаси							
	5.04	25.04	15.05	5.06	25.06	15.07	5.10	25.10
Изумруд	4,6	8,7	17,0	39,4	50,8	67,3	108,0	131,7
Қоракўз	4,1	8,9	19,7	42,5	56,7	75,1	118,5	140,4
Газиантеп	3,8	7,1	16,2	36,5	45,1	59,0	87,1	105,0
Крымская 172	4,4	7,5	17,3	39,2	52,6	61,3	110,3	127,3

Тажрибаларимиз асосида шу нарса қайд этилдики, Крымская 172 нави ҳам бизни шароитимизда қулай ўсганлиги кузатилди. Дастлабки ривожланиш ойларида республикаимизда янгидан иқлимлаштирилган Қоракўз ва Изумруд навлари бир хилда ўсиб, июн-июл ойларида келиб новдаларнинг серавж ривожланганлиги кузатилиб, узунлиги 52,6-70,5 см ни, октябрь ойининг охирида эса, новдалар узунлиги ўртача уч йилда 127,3 см га ташкил этиб, Изумруд ва Газиантеп навларидан 4,4-13,1 см га паст, Қоракўз навидан 22,3 см га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Хулоса ўрнида, ўрганилган турли зайтун навларини ўсиши, ривожланиши асосида иқлимлаштирилган Қоракўз нави новдалари бир вегетация йилида 101,4-105,0 см гача ўсиши, иқлимлаштирилган Изумруд ва Газиантеп навларида 131,7-140,4 см гача новдалар ўсиши кузатилди. Туркия навларининг кўпроқ бўйига ўсиши ва ён шохларининг камлиги билан, иқлимлаштирилган Изумруд ва Қоракўз нав намуналарига нисбатан секин ўсиши, ён шохларининг кўплиги билан бир-биридан фарқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш., Жураев Э.Б. Технология интенсивного выращивания саженцев маслины (*Olea europaea* L.) в условиях сухих субтропиков Узбекистана. // (Монография). – Ташкент, «Навруз», 2016. – 76 с.
2. Жураев Э.Б. Изучение микроклимата в специальном сооружении для выращивания саженцев маслины вегетативным путем. // Агро илм журнали.
3. Ёрматова Д.Ё., Юлдашева Х.Т. Зайтун поя ва новдасининг ўсиш динамикаси. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2015. – № 7, – Б. 40-41.
4. Yuldasheva, K. T., Soliyeva, M. B., Kimsanova, X. A., Arabboev, A. A., & Kayumova, S. A. (2021). Evaluation of winter frost resistance of cultivated varieties of olives. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 627-632.